

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ФАРМОНИ**



**УКАЗ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2020 йил “ 10 ” январь

№ПФ-5903

“ \_\_\_\_ ” 20 т.

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини янада жадаллаштириш борасидаги вазифаларни самарали ҳал этишда давлат бошқаруви органларининг фаолиятини мувофикалаштиришини тъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасидаги Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хукуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-куватлаш масалалари департаменти унга қўшимча 8 та штат бирлигини киригтан ҳолда **Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хукуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти** (кейинги ўринларда – Департамент) этиб қайта ташкил этилсин.

Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хукуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти тузилмаси 1-иловага мувофик тасдиқлансан.

2. Кўйидагилар қўшимча равишда Департамент фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

миллий иқтисодиётнинг муҳим вазифаларини ҳал этиш ҳамда уни барқарор ривожлантиришга қаратилган интеграциялашув имкониятларини кенгайтириш ишларини мувофикалаштириш;

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва диверсификациясини тъминлаш ҳамда энергетика, аграр соҳаларни жадал ривожлантириш сиёсатини амалга оширишга қаратилган интеграциялашув имкониятларини кенгайтириш бўйича ишларни мувофикалаштириш;

ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан тартибга солиш, халқаро стандартларни татбиқ этиш, аккредитация, ветеринария, санитария ва фитосанитария соҳаларида замонавий бошқарув тизимини ҳамда интеграциялашув имкониятларини жорий этиш юзасидан масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда таклифлар ишлаб чикиш;

республиканинг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан интеграциялашуви шароитида божхона-тариф ва нотариф тартибга солишнинг самарали тизимини ривожлантириш ва уни кўллаш чораларини мувофиқлаштириш;

товарлар (ишлар, хизматлар) ва капиталнинг халқаро кўламда ҳаракатланиш жараёнларини ҳамда маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш ва уларнинг ташқи бозорга эркин чиқиши имкониятларини мониторинг қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви имкониятларини кенгайтириш ишларини мувофиқлаштириш;

республикада транспорт коммуникациялари ва ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаларида ислоҳотлар амалга оширилишининг комплекс ўрганилиши ва таҳлил қилинишини ташкил этиш натижалари асосида интеграциялашишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимиغا интеграциялашуви бўйича музокаралар жараёнида иштирок этиш ҳамда интеграциялашувга масъул бўлган мутасадди давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек, халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар лойиҳаларини тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқиш;

миллий қонунчиликни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимиغا интеграциялашувига асос бўлувчи амалдаги халқаро шартномаларга мослаштириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимиغا интеграциялашуви юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш ҳамда тегишли маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ўз марказий аппарати тузилмасида ходимлар умумий чекланган сони доирасида **Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви масалалари билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаларни ташкил этсин.**

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

Департаментнинг қўшимча штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Монополияга қарши курашиб қўмитаси ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тизимидағи биттадан штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади;

мазкур Фармоннинг З-бандида назарда тутилган давлат бошқаруви органлари марказий аппаратида ташкил этиладиган таркибий бўлинмалар ходимларининг сони тегишли идора фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқкан ҳолда унинг раҳбари томонидан белгиланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги “Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги ПФ-5785-сон Фармонига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти




Ш.Мирзиёев

Тошкент шахри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2020 йил “10” январдаги ПФ– 5903 -сон Фармонига  
1-илова

**Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хукукларини  
химоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти  
ТУЗИЛМАСИ**



## Департаментга бириктирилган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги – ташқи меҳнат миграцияси ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги – ташқи меҳнат миграцияси ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
6. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги – ташқи меҳнат миграцияси қисмида;
8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги – меҳнат мигрантларининг транспорт хавфсизлиги ва республикадан ташқарида уларни ташиш ҳамда халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
9. Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги – меҳнат мигрантлари ва улар оилаларининг яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда уларга уй-жой қуриб бериш қисмида;
10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш қисмида;
12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
16. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
17. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиб қўмитаси – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
18. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси – халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қисмида;
20. Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари – меҳнат мигрантларини қайтариш, уларни реинтеграция қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш қисмида ҳамда бошқа тегишли соҳаларда.

## Департамент билан ҳамкорлик қилиниши таъминланадиган ташкилотлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси;
2. Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши;
3. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;
4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2020 йил “10” январдаги ПФ—5903-сон Фармонига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги  
“Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган  
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини  
химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги  
ПФ—5785-сон Фармонига киритилаётган ўзгартиришлар**

**1.** 5-бандинг биринчи хатбошисидаги “Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлаш масалалари департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) З-иловага мувофиқ” сўzlари “Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти (кейинги ўринларда – Департамент)” сўzlари билан алмаштирилсин.

**2.** 6-банддаги “Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлаш” сўzlари “Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик” сўzlари билан алмаштирилсин.

**3. 2-иловада:**

6-банддаги “Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлаш” сўzlари “Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик” сўzlари билан алмаштирилсин;

16-банддаги “Хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-кувватлаш масалалари департаменти мудири ўринбосари” сўzlари “Вазирлар Маҳкамаси Департаменти мудирининг хорижда вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳукуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўринбосари” сўzlари билан алмаштирилсин.

**4. 3-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.**

